

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 174 (5765).

1 АВГУСТ 1985 й.

ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тинг.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

ЁШЛИК: ҲУҚУҚ, БУРЧ, УМИД



ЎЗБЕКИСТОН

Еш авлод умумжаҳон уч-
рашувининг тўртинчи куни
«Ёшлар ва студентлар ўз ху-
қуқлари учун курашда» шио-
ри остида ўтди. 30 июль куни
булиб ўтган митингларда, му-
нозараларда, учрашувларда
ёшларнинг мухтор вакилла-
ри ўзларининг социал ва сиё-
сий ҳуқуқларини қатъий ҳи-
мо қилиб чиқдилар, айни
маҳалда инсоннинг энг асо-
сий ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқи
учун кураш олиб бориш ёш-
ларнинг муқаддас бурчи
эканлиги тўғрисида гапир-
дилар.

Союзларнинг колонна за-
лида ўтган «Атом қуролини
тўла тақиқлаш ва тугатиш
учун биргаликдаги ҳаракат»
мавзудаги баҳс турли сиё-
сий эътиқоддаги кишиларни
жамлади. Уларнинг ҳамма-
си ўртоқ М. С. Горбачевнинг
газеталарда эълон қилинган
баёнотини қарсаклар билан
кутиб олдилар, бу баёнот
мажлис бошлангичи олдидан
ўқиб эшиттирдилар.

Совет Иттифоқининг бу
жуда муҳим қадами атом ку-
ролига эга бўлган АҚШ ва
бошқа давлатлар учун яхши
намуна бўлиб хизмат қили-
ши керак, — деб таъкидла-
ди Польша делегациясининг
аъзоси Адам Людвиг. —
Энди гап навбатى Фарбда.
Мен фестивалнинг ҳамма
қатнашчиларини СССРнинг
янги тинчлик ташаббусини
қўллаб-қувватлашга қақира-
ман.

— Ҳар бир соф виждон-
ли кишининг бурчи ядро
урушининг олдини олиш
учун ўзига бoғлиқ бўлган
барча ишни қилишдан ибор-
рат, — деди баҳсда сўзга
чиққан совет делегацияси-
нинг вакили — новосибирск-
лик Владимир Никитов. —
Ажал қуроли бизнинг авло-
димизни йўқ қилиб ташла-
ши йўл қўймаймиз, биз-
нинг авлодимиз адрол қуро-
лини йўқ қилиб ташлайди.

Фестивал мунозаралари
ўзига ташаббус билан пай-
до бўлган сарвимоқат қора
таил аёл ҳаммаини эъти-
борини ўзига тортиди. Бу та-
содий эмасди. Бу ерда,
хотин-қиз ёшлар ҳуқуқлари
марказида оналик ва бола-
лик асосий мавзулардан би-
ридир. Чунки болалар тақди-
ри тўғрисида ғамхўрлик қи-
лиш — келажак ҳақида ғам-
хўрлик қилиш демекдир.

Албатта, кичкинтой Табо
баҳсларда иштирок этмайдн.
Ленин унинг онаси АНК ёш-
лар бўлимининг аъзоси, Жа-
нубий Африкадан келган
Мопе Раманос кичкинтой
Табонинг манфаатларини ҳам,
Ер юзидagi барча болалар-
нинг манфаатларини ҳам қиз-
ғин ҳимоя қилмоқда.

Ҳарб дунёсидан келган
ёш аёллар ўзларининг сиё-
сий ва социал, ҳуқуқлари
камситилаётганлиги ҳақида
ташвиш билан гапирдилар.

Халқаро Меҳнат ташкило-
ти маълумотларига қараган-
да, напалта мамлакатларида
аёллар ўртасида ишсизлик
60 процентдан ҳам ортиб
кетган. Ҳолбуки аёллар иш-
чи қўлларининг учдан бир
қисмини ташкил этади. Эр-
каклар ва аёллар меҳнатига
ҳақ тўлашдаги тафовут 60
процентга етади.

Делегатлар турли мамла-
катларда ана шу ва бошқа
проблемалар қандай ҳал эти-
лаётганлигини билишни хоҳ-
лайдилар ва албатта, ўзи-
нинг барча ёш граждoнлари-
га теги ҳуқуқ ва имконият
яратиб берган СССРнинг
тажрибасига алоҳида қизи-
қиш билан қарамондилар. Шу
сабабли меҳмонлар заллар-
дан бирида ташкил этилган
«Советлар мамлакатининг
хотин-қизлари» кўргазмаси
экспонатларини зўр диққат
билан кўздан нечиримоқда-
лар. Бу кўргазмада қиз-
ларли, сабоқ бўларли нарсал-
лар кўп. Чунки фан соҳа-
сидагина хотин-қиз тадқи-
қотчилар 40 процентни, ин-
женер-техник ходимлар ора-
лида 49 процентни ташкил
этади, етти миллиондан ор-

тиқ хотин-қиз Рационализа-
торлар ва ихтирочилар бу-
тунитиёқ жамиятининг ва
бошқа илмий-техника жа-
миятларининг аъзоларидир.

Бельгияли Руае Люсетт
экспонатлар. СССРда хо-
тин-қизларнинг янги касб-
лари тўғрисида ҳикоя қилув-
чи стeнд олдида тўхтади.

Валлония Ёш социалистлар
федерациясининг кaдри бўл-
ган бу ходим ўз ватандош-
лари дуч кeлаётган қийинчи-
ликларни ахши билади.

— Ўз сеvimли иши билан
шугулланиш учун катта им-
кониятга эга бўлган. Ўзига
маълум касбини танлай ола-
диган совет хотин-қизлари-
га хавасим кeлади, — деди
у. — Бельгия хотин-қизла-
рининг касб танлаш ҳуқуқи
жидайдик чеклаб қўйилган.

ГФРлик йигитча — Карл-
Хайнц Ротин «Сименс» кор-
порациянинг корхоналаридан
бирида ишта олишeтганлида
удан «менга қара, сен ҳа-
ли қизил эмасмисан?» деб
сўрашган.

— Мен эса ҳақиқатан ҳам
қизилман, — деб кулади
Карл Хайнц. — Ёш комму-
нистлар ташкилотининг аъзо-
симан.

— Ҳозирги кунда асосий
проблема — тинчлик ва меҳ-
нат тўғрисидаги масалалар,
дейди Рот. Бу тушунчалар
бир-бирига чамбарчас боғ-
лиқ. Агар дунё қуролининг
га тeлбаларча маблаг сарф-
лашни тўхтатса, социал про-
граммаларга катта эътибор
берилиш мумкин бўлади. Ком-
мунистлар, социалистик
мамлакатлар, Совет Итти-
фоқи тинчлик учун изчил-
лик билан кураш олиб бoр-
моқдалар. Москвага кeлиб
ёшлар ва дeстликиннинг гўзал
байрамида қатнашиб мен
бунга яна бир бор ишонч
ҳосил қилдим.

ГФРдан келган ёш ком-
мунист бошқа делегатлар бил-
лан биргаликда «Ёшлар иш-
сизлигига қарши, ўз ҳуқуқ-

лари ва ҳаётий манфаатла-
ри учун курашда» шиори
остида ўтган митингда қат-
нашди. У кўпгина янги дeст-
лар ортирди, уларнинг ора-
сида Совет Иттифоқидан
касбдош Владимир Лиха-
чев ҳам бор. Улар деярли
тенгдош, лекин тақдирлари-
да нақадар катта тафовут
бор. Владимир Лебединск кон-
бойитиш комбинатидa экска-
ватор машинисти. Зарбдор
меҳнати туфайли у жамо-
атчилик ҳурматиин қозонди.
Бу эса социалистик жамия-
тда кишилар маънавий қий-
матининг олий мезонидир.
Ёш ишчи — СССР Олий
Совети депутатидир.

Икки дунё — икки тақ-
дир. Ленин митингда учраш-
ган ёш ишчиларнинг мақсад-
лари бир: у ҳам бўлса, тинч-
ликини мустаҳкамлаш, ҳам-
ма жойда социал адолат қо-
нуларини ғалаба қилишига
эришишдир.

Ҳаммаша бўлганидек, фести-
валнинг маданий програм-
маси ҳам бой ва хилма-хил
эди.

Фаворалар майдонидa
«Меҳнатта шон-шарафлар»
театрлаштирилган чиройли
томоша кўрсатилди. Барча
иттифоддош республикалар-
нинг ёш артистлари ўзлари-
нинг энг яхши қўшиқ ва
рақсларини фестивал меҳ-
монларига совға қилиб олиб
кедилар. Ҳаваскор артист-
лар ҳам профессионал касб-
дошлари билан баравар то-
моша кўрсатдилар. Ҳавас-
корлик ташаббускорларин-
инг 29 миллион кишилик
отрядининг Москва фестивал-
лидаги вакиллари барча
қитъаларнинг вакиллари
Ватанимизнинг кўпмиллат-
ли санъати билан таништил-
дилар. Кўрсатилган ҳамма
томошалар Советлар мамла-
кати ҳаётига хос бўлган оп-
тимизм, эртанги кунга ишонч
билан йўлланган эди.

Ёшлар жаҳон форумининг
тўртинчи куни СССР Халқ
хўжалиги ютуқлари Вистав-
касида меҳкурчун ўтказилган
«Ёшлар ва студентлар ўз
ҳуқуқлари учун курашда»
мавзудаги митинг билан и-
хтисослаштирилган. Митингда
ўн мингта киши киши қатнашди.
Улар барча мамлакатлар ёш-
ларининг социал адолат
учун, тинчлик ва тараққиёт
учун курашда бирдамлигини
мустаҳкамлашга қатъий аҳд
қилганликлари ҳақида гапир-
дилар.

(ТАСС мухбири).

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК ДОЛЗАРБ МАВЗУ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАЁТИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Шаҳар партия ташкилоти ҳаётида бутун муҳим ва масъу-
лиятли босқич — ҳисобот ва сайловлар бошланди. Бу бос-
қичнинг ўзига хос хусусияти шуки, у КПСС XXVII съез-
ди арасида ўтмоқда.

Шу йилнинг 1 августидан 25 сентябргача 3055 пар-
тия группаси ва 2628 цех партия ташкилотларида ҳисобот-
сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. 1 октябрдан 15 ноябр-
гача эса 2212 бошлангич партия ташкилотларида ҳисобот,
сайлов йиғилишлари ўтказилди. Ноябрь-декабрь ойларида
эса район ва шаҳар партия конференциялари бўлиб ўтди.

Шаҳар партия ташкилотидagi навбатдаги ҳисобот ва
сайловлар коллективларда ташкилотчилик, ғоявий-сиёсий
ишчи янги босқичга кўтаришга, жамиятимизни иқтисодий,
социал ва маданий ривожлантириш борасида партия олди-
мига қўйган вазифаларини ҳал этишда коммунистларнинг
етабчилик ролини кучайтиришга даъват этилган. Ёш му-
ҳим эса бутун кунда коммунистлар, барча меҳнаткаш-
ларнинг эътиборини аввало, ўн биринчи беш йиллик план-
ларини муваффақиятли бажаришга, ҳисобот даврида қн-
лиган ишларини чуқур таҳлил этишга, келгусидаги вази-
фаларини белгилаб олишга қаратиш зарур.

Партия олдимизга қўйган мақсад — халқ хўжалигини
техника жиҳатидан қайта қурулантириш, меҳнат унум-
дорлигини энг олдинги марраларга ериштиш, хўжалик ме-
ханизмининг бошқаришнинг формаларини тақомиллаштириш,
кишиларнинг онгига тўла ўзгаришлар қилишни, илмий-тех-
ника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий
этиш масалаларини ҳал этишга яқиний ва ташаббускорлик
билан ёндоқилишни тақозо этади. Партиянинг бу йўлини
оғишмай амалга ошириш — ҳисобот-сайлов йиғилишлари,
да партиянинг барча эвенолари фаолиятини муҳоама
этишининг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.
Коммунистларнинг ўз коллективлари имкониятларини чу-
қур ўрганишлари ва унинг резервларини аниқлашлари
мажбурий ишлаб чиқаришни планли суратда тезлаш-
тириш, янги, юқори сифатли технология жараёнларини ўз-
лаштириш ва барча ишлар муваффақиятларини гарови бўл-
ган экономикани интенсификацияга боғлиқ.

Ҳисобот-сайлов кампанияси партия ташкилотларининг
фаолиятини активлаштиришга, партия ички демократияси-
ни тақомиллаштириш, партия ҳаётининг ленинча норма-
ларига қатъий риоя қилиш, партиянинг барча эвенолари
ва Ҳар бир коммунист ишига принципиал баҳо бeришга
даъват этилган. Ҳозирги босқичда партия ташкилотлари
кечагидан кўра жорий ва перспектив вазифаларини яхшироқ
ҳал этишлари, янгица ишлашга қатъий билан ўрганиш-
лари, ҳаттолар ва нуқсонларни дадил очиб ташлашлари,
жойлардаги ишларни яхшилашнинг конкрет йўлларини из-
лаб топишлари лозим.

Ҳисобот ва сайловларда танқид ва ўз-ўзини танқид кенг
тус олдирилмоқчи керак. Шундай қилиш керакки, ҳар бир
коммунист Устав ҳуқуқидан тўла фойдаланиши, яъни
таъкидлар киритиши, ўз мулоҳазаларини айтиши керак.
Буларни амалга ошириш эса эътибордан четда қoлиб кeт-
маслиги зарур.

Партия йиғилишларида коммунистларнинг Устав та-
лабларига риоя қилиш, ўз граждoнлик бурчини бажар-
ишда шахсий намуна кўрсатиши, фидокорона ишлаши,

жамоат ҳаётидаги активлиги ҳақида очик ва принципиал
сўз юритилиши керак.

Бу эса КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985
йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-
тетининг XVI ва ундан кейинги пленумларида қўйилган
вазифаларини муваффақиятли бажаришга ёрдам бeради.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини
ўтказиш чоғида КПСС Марказий Комитети июнь (1983
йил) Пленуми қарорлари, Бутунитиёқ илмий-амалий
конференцияси тавсияларини амалга ошириш масалалари
пўхта таҳлил этилиши керак. Шу нарсa муҳимки, идеоло-
гия ишларини яхшилаш вазифалари конкрет кўриб чиқи-
лиш, ҳар бир партия ташкилотининг фаолиятига сиғичи,
лаб назар солиниши, бу ишдаги сиёсий ва жўналишга
барҳам бeрилиши лозим. Айни пайтнинг ўзидa партия та-
шкiлотлари ҳисобот-сайловлар мобайнида ўз коллективлари
фаолиятининг етилган проблема ва масалаларини кўриб
чиқиш чоғида КПССнинг янги тахрирдаги Программаси,
КПСС Уставига ўзгаришлар ва мамлакатини иқтисодий ва
социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳа-
ларини муҳоама этадилар. Бунда коммунистларнинг ўза-
ро кенг фикр алмашишларини ташкил этиш зарур. Иш-
чи шундай йўлга қўйиш керакки, бу ҳужжатларнинг маъ-
муни ва сиёсий моҳияти ҳар бир киши қалби ва онига
етиб бoрсин. Уларда коммунистик дунёқарашни қарор топ-
тириб, омманинг социал активлигини ривожлантиришга
ёрдам бeрсин.

Ҳисобот ва сайловлар мобайнида партия группалари,
цех ва бошлангич партия ташкилотларига етабчилик қи-
лишга ишонч билдирилган коммунистлар олдидa келгуси
беш йилликдаги иқтисодий, социал ва маънавий тараққи-
ётнинг тизимли планларини амалга ошириш бўйича мураккаб
ишларга бошчилик қилишга тўғри кeлади. Улар энг маъ-
лумотли, принципиал, ғоявий жиҳатдан тайёрланган, та-
шаббускор омма ўртасида жонли ташкилотчилик ишнини
олиб бoришга қодир бўлган коммунистлар бўлмоқлари ке-
рак.

Район партия комитетлари, партия комитетлари ўз
ишларини шундай ташкил этишлари керакки, ҳисобот-сай-
лов кампанияси даврида ҳар бир партия ташкилотига ама-
лий ва конкрет ёрдам бeришлари зарур. Партия группалари,
цех ва бошлангич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов
йиғилишларини ўтказишга тайёргарлик чоғида шаҳар ва
район партия комитетларининг аъзолари ва аъзолигига кан-
дидатлари, партия аппаратининг ходимлари иштирок эта-
дилар. Ҳисобот-сайловларини муваффақиятли ўтказиш пар-
тия ташкилотларининг жанговарлигини оширишга, муҳим
вазифаларини ҳал этишда уларнинг активлигини кучайти-
ришга, партиянинг раҳбарлик ролини оширишга шак-шуб-
ҳасиз ёрдам бeради. Шаҳар партия ташкилотидa ҳисобот-
сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтқа-
зиш жараёнини кенг ёритиш мақсадида ўтган йиллардаги
сингари матбуот маркази ташкил этилди. Газеталар-
нинг редакцияларига ҳисобот-сайлов кампаниясининг бoри-
ши тўғрисидаги маълумотларни ахборотларини мунтазам бе-
риб бoриш, партия ташкилотлари ҳал этаётган проблема ва
вазифаларини, КПСС XXVII съезидaги тайёргарлик даврида
партия илгари сурган вазифаларини ҳаёта тадбиқ этиш
борасида уларнинг иш тажрибаларини кенг ёритиб бoриш
топширилди.

Зарбдор ўн кунликларда зарбдорларча ишлаймиз

Мамлакатимиз ком-
мунистларининг анку-
мани шарафига бағиш-
ланган социалистик мусобақанинг саккинчи
ўн кунлиги бошланди. Бу галги стахановча
зарбдор вахта «КПСС XXXII съезидa» — 27
зарбдор ўн кунлиги! шиори остида ўтмоқда.

Айнанга содиқ қолган тошкентликлар му-
носиб санани меҳнат совғалари билан кутиб
олишга аҳд қилишнинг сўзсиз олдидан еттинчи ўн
кунлигини муваффақиятли ўтказишди. Шаҳар
индустрияси 30 июлда етти ойлик маҳсулот
ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш бўй-
ича халқ хўжалиги планини муваффақиятли
бажарди. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб
чиқариш бирилшмаси, «Тошкент трактор заво-
ди», «Ўзбексельмаш», «Технолог» илмий иш-
лаб чиқариш бирилшмалари, Ўзбекистон ССР
ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йилгича
номидаги тикувчилик, «Матбуот» полиграфия
бирилшмалари, «Ташсельмаш», Октябрь ре-
волюцияси номли тепловоз ремонт заводалари,
авиацин комбинати ва бошқа бир қатор корхо-
наларининг ишчи ва хизматчилари ўтган ўн
кунликда самарали меҳнат қилишди. Шу бил-
лан бирга қурувчилар, транспортчилар, алоқа-
чилар, барча хўжалиги ходимлари, маънавий
хизмат ходимлари ҳам зарбдор вахтада туриб
меҳнат қилишди.

В. П. Чкалов номли авиация бирилшмаси,
нинг бригада бошлиғи И. Басанец, тўқимачи.

Ёшлар вахтада

КПСС XXVII съезидa бағишланган
саккинчи зарбдор ўн кунлик старт ол-
ди. Шаҳардаги меҳнат коллективларида
социалистик мусобақанинг бoриши тўғ-
рисида, Тошкент комсомоллари ва ёш-


лик комбинатининг тўқувчиси К. Екуббева,
«Ташсельмаш» заводининг электр пайвандчи-
си Д. Атаманов, «Средазэлектростанция»нинг
электр пайвандчиси Л. Валетова, 2-пoйафзал
фабрикасининг ишчиси М. Йўлчиева ва бир қат-
тор меҳнат илгорлари социалистик мусобақа-
нинг олдинги сафидa бoришмоқда. Ватанпар-
варлик ташаббусининг минглаб издошлари
партиянинг навбатдаги съезидини муносиб меҳ-
нат совғалари билан кутиб олиш, ишлаб чиқар-
ишни янада кoксалтириш учун шахсий ҳисса-
сини қўшишга ҳаракат қилишаётди.

Яна бир неча кундан кейин ўтган етти зарб-
дор ўн кунликлари, йилнинг етти ойи ичида
бажарилган хўжалик ва иқтисодий ишлар сар-
ҳисоб қилинади. Шундай экан, меҳнат илгор-
ларининг эришаётган ютуқларини кенг тарғиб
қилиш, бу борада деворий ва кўнтражлик га-
зеталардан унумли фойдаланиш, «Жанговар
варақалар» чиқариш, маҳаллий радио эшитти-
ришини янада кенгайтириш ҳолда, барча меҳ-
наткашларни зарбдор ўн кунликлар илгорла-
рига тенглаштиришга даъват этиш зарур.

Ҳозирги кунда янги меҳнат ойнанинг дастлаб-
ки кузлариданок зарбдор старт олиб, янада
унумлироқ ва сифатлироқ меҳнат қилиш му-
ҳимдир. Август ойи белгиланган топшириқлар-
ни муваффақиятли бажариб, янги технология-
ни ишлаб чиқаришга жорий этган ҳолда ишлаб
чиқаришни кузги-кишкн мавсумга пўхта хо-
зирлаш вазифасини тўла амалга ошириш ло-
зим.

Чилонзор қозонхонаси-
нинг насos ва қозонхо-
на бўлими пойдеворини
монтаж қилишни муд-
датидан ўн беш кун
илгари ниҳоясига етқа-
зишди. Дастлабки аг-
регатнинг пойдевори
қармасидаги Владимир
Ким бошлик комсомол-
ёшлар бригадаси янги

лашга тайёрланаётган
қозонхоналар қурилиши
ва реконструкциясига
катта аҳамият берил-
моқда. «Ўзбекэнерго-
энергострой» трeстини-
нинг «Ташэнергострой»
қурилиш-монтаж бош-
қармасидаги Владимир
Ким бошлик комсомол-
ёшлар бригадаси янги



ХОТИРА КУНИ

Республика пойтахти меҳнаткашлари Ўзбеки-
стон ССР Олий Совети Президиумининг республика-
да «Хотира кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармо-
нини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Хотира ку-

нининг белгиланиши авлодларнинг бир-бирига бог-
лиқлиги ва давомийлигини таъминлайдиган муҳим
тадбирдир.

• Ишчининг қалб сўзлари Ҳеч ким унутилмайди

Бизнинг онламиниз ҳақида
одадта Ғалаба кунини
В. И. Ленин номидaги
майдоға бoриб Но-
маълум соддат қабрини
зиёрат қилишди. Биз бу
одаднинг билан она-
Ватанимизни ҳимоя
қилишда жонини фидо
қилган жангчиларнинг
хотирасини ёдга ола-
миз.

софдил меҳнат қилиш-
ни васият этганлар.
Биз бу васиятга ҳама-
ша содиқ қоламиз.
Н. МАННОПОВ,
В. П. Чкалов номли-
даги Тошкент авиация
ишлаб чиқариш бирил-
шмасининг йиғувчи
слeсарлар бригадаси-
нинг бошлиғи.



Мен В. П. Чкалов
номли авиасозлар кор-
хонасида ўқоқ йиллар-
дан буён меҳнат қила-
ётганлигим билан фaхр-
ланаман. Чунки кор-
хонаимизнинг номи Ва-
тан йўлида кўрсатил-
ган жасорат билан ҳам
чамбарчас боғлиқдир.
Чунки бу корхонада
меҳнат қилган кўнчилик
авиасозлар жанг майдон-
ларида қатнашган.
лар, ўзларининг бур-
чида адо этаётганда ҳа-
лок бўлганлар.

Республикамаида Хо-
тира кунини жорий этил-
ганлиги айни мудида-
дир. Бу кун ҳар йили
март ойининг охирига
яқинлаша кунни нишонла-
нади. Бу кун бизнинг
ҳаётиимизда энг яқин



